



ХОИЛИКЛАР АРХИВЛАРИДА ҚОЗОҚ ХАЛҚИННИГ ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

A.C.Шосаидов

Ўқитувчи, Тошкент давлат шарқшунослик университети
Електрон почта манзили: anvar.shosaidov1988@gmail.com

Калит сўзлар: Чалақозоқлар (шалақозоқ) хой-хой , Катта ўрда , Ўрта ўрда.

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонdlаридағи сақланаётган Бухоро кўшбеги архиви, Хива хонлари архиви ва девонхона хужжатларида учрайдиган этнографик маълумотлар, хусусан, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпок этносларининг хўжалик ҳаёти, ургулар ва улар билан боғлиқ аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, топографиясига доир масалалар яхлит ва тизимли ҳолда илк маротаба ўрганилди.

CONCEPTUAL CHANGES IN THE MODERN HISTORIOGRAPHY OF UZBEKISTAN AND THE PROBLEMS OF ITS DEVELOPMENT

A.S.Shosaidov

Teacher, Tashkent State University of Oriental Studies
Email address: anvar.shosaidov1988@gmail.com

Key words: Chalagozag hoi-hoi, Big Horde, Middle Horde.

Abstract: In this research work Ethnographic information, in particular, economic life of Uzbek, Kazakh, Kyrgyz, Turkmen, Karakalpak ethnic groups, clans and related populations, found in the Bukhara Koshbegi archive, the Khiva khans archive, and the cabinet documents stored in the National Archives Funds of the Republic of Uzbekistan.

СВЕДЕНИЯ ПО ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ КАЗАХСКОГО НАРОДА В АРХИВАХ ХАНЫ

A.S.Shosaidov

преподаватель, Ташкентского государственного университета востоковедения Адрес электронной почты:
anvar.shosaidov1988@gmail.com

Ключевые слова:	Аннотация:
Чалагозаг хой-хой, Большая Орда, Средняя Орда.	Этнографические данные, обнаруженные в Бухарском архиве Кошбеги, Архиве Хивинских ханов, и документы Кабинета министров, хранящиеся в Фондах национальных архивов Республики Узбекистан, в частности, вопросы, связанные с экономической жизнью узбеков, казахов, кыргызов, туркмен, каракалпакские этносы, формирование родов и родственных поселений, топография комплексно и систематически изучены впервые.

Хива хонлиги тарихига оид кўплаб ёзма маълумотлар етиб келган бўлиб, улар орасида архив ҳужжатлари алоҳида ўрин тутади. Бу борада кўплаб тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган. Хусусан, Хива хонлигидаги этнослар ва уларнинг хўжалик тарзини ўрганишга Веселовский катта ҳисса қўшди. Унга ўхшаш тадқиқотчилардан бири П.И. Ивановнинг таъкидлашича, Хива хонлигининг шимолий ҳудудларида қозоқ ва қорақалпоқлар яшашган. Қозоқлар кўчманчи ҳаёт кечиришганлиги архив ҳужжатлари асосида ўз тасдигини топади[1].

Маълумки, Олтойдан Уралга қадар ва Ғарбий Сибирдан Амударё водийсигача бўлган ҳудудда кўчманчи қабилалар ёйилган бўлиб, руслар уларни қирғизлар ёки қирғиз-қайсоқлар деб номлашган, улар ўзларини эса қозоқлар дейишган. Қозоқлар ўша пайт Қора Иртиш дарёсидан Тянь-шанъга қадар, шунингдек, Волгадан то Олтойга қадар яшашган[2].

Дарвоқе, қирғизлар, яни қозоқлар З та жуз - ўрдаларга бўлинган. Катта ўрда маъданияти Ўрта ўрда ва Кичик ўрда билан ўхшашмаслиги, бундан ташқари, қирғизларга яқин ҳудудларда яшаган қора-қирғиз, қозоқлар урф-одатлари бир-бировидан фарқ қилганлиги ҳамда Чу водийси ва Тянь-шанъга ўша даврдаги келган этнограф экспедициялари маълумотларида такидланади[3].

Рус этнографик экспедицияларидан бирида: “Ўзларини қозоқ деб атайдиган, лекин қирғиз бўлган миллат эгаларини бешикдан то қабрга қадар бўлган умрини рус урф-одатлари билан боғлиқ равишда параллель ва ўхшаш жойларини солиширамиз” деган эди.

Туркистон ўлкаси ҳудудларининг маълум қисмида чалақозоқлар (шалақозоқ) ўз оиласи билан биргаликда ўтовларда яшаб келишган. Чалақозоқлар бошқа кўчманчи ҳалқлардан кўп фарқ қилмаган. Улар ҳам бошқа кўчманчилар каби яшаб турган ҳудудларига солик тўлаб туришган. Бу ҳалқнинг нимага айнан чалақозоқ дейилишига сабаб, улар ярим ўтроқликлари учун ҳам худди шундай ном олишган. Қурама уездидаги чалақозоқлар ўтроқ ҳаёт кечиришган. Оқжар ва Ниёзбек уездларида эса атиги иккита ўтовни ташкил этса, Ачи қишлоғида 40 та ўтов бўлиб уларнинг ҳаммаси савдо билан шуғулланган[4].

Авлиё-ота уездидаги 180 тага яқин ўтов эгалари жойлашган. Лекин улар ҳам қишлоқларига ёки уезд жойларида тарқоқ ҳолда яшашган. Мисол учун; Авлиё-отада 44 та, Джайлганда 48 та, Учқўрғонда 21, Меркеда 37 та. Волостларда эса; Толкановский 24 та, Чимировский 1 та, Ботамойнак-Аймалинский 5 та улардан 51 ўтов эгалари савдо билан шуғулланган, 1 ўтов эгаси чорвачилик, нонвойлар 105 та ва хунармандлар 23 та ўтовни ташкил этишган.

Перовский уездидаги Царский волостида икки ўтов эгалари чорвачилик билан шуғулланган.

Туркистон уездидаги эса жами эркак ва аёл 35 та чалақозоқлар истиқомат қилишган. Улар нонвойлик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Фарғона томонларда эса жами 39 та оила яшаганлиги кузатилган. Улар ўтроқ ҳаётга мослашиб дәхқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланган.

Наманган уездиде чалақозоқлар шу тартибда жойлашган эди;

- 1) Күмкүргонда 3 та
- 2) Чортокда 3 та
- 3) Янгиқүргонда 5 та
- 4) Наманганда 6 та
- 5) Базимскийда 4 та[5]

Андижон ва Наманганда яшайдиганлари ўзларининг уйларига эга бўлганлиги ҳақида маълумот учрайди[6].

Зарафшон округларида эса чалақозоқлар ҳеч кузатилмаган. Еттисув уездларида 135 та тирик жон мавжудлиги кузатилган бўлиб, улар ҳам ўтроқ ва ярим қўчманчи ҳаётга мослашиб нонвойлик, савдогарлик ва чорвачилик билан шуғулланишган[7].

Копал уездиде чалақозоқлар 58 кишини ташкил этиб нонвойлик ва чорвачилик билан шуғулланишган.

Ярим ўтроқ ва ярим қўчманчи бўлмиш 233 кишидан иборат чалақозоқлар Тўқмоқ уездиде борлиги ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтиш мумкин. Улар нонвойчилик, чорвачилик билан шуғулланган. Баъзи чалақозоқлар Кулджинский ҳудудларида яшган бўлса, Тўқмоқ уездиде дунган ва чалақозоқлар қўшни ҳолатда яшашган.

Бундан ташқари, Иссикқўл томонларда 18 та оила яшаганлиги ҳақида маълумотлар учрайди[8].

1869 йил ёзида Тянь-Шань тоғлари ва унга яқин ҳудудларга барон А.В.Каульбарсъ саёҳат уюштиради. Унинг қўлида Каспий орти харитаси бўлади. Аммо ушбу ҳудудларда ўзгаришлар катта бўлган. Каульбарсъ Кулджинский округининг Норин уъездиде бўлиб шу ерда яшайдиган маҳаллий аҳоли билан танишади Унинг маълумотларига кўра:

Миллатлар Номи	Оилалар Сони	Ўтовлар Сони	Эркаклар Сони	Аёллар Сони	Жами
Ўтроқ миллатлар					
<i>Таранчи</i>	9569	-	22826	19428	42304
<i>Дунган</i>	1206	-	2237	2237	4564
<i>Хитой</i>	1867	-	3165	2449	5614
<i>Сибо</i>	2293	-	7873	7567	15840
Қўчманчи Миллатлар					
<i>Қирғиз</i>	-	5621	11879	10197	22076
<i>Қалмиқ турли қабилалар</i>	-	5986	13148	10547	23725
Жами	14935	11607	61128	52995	114123

Ўша пайтда Ляонин провинциясида 69,4 % , Синьцзян-Уйғур автономиянига 19,1 %, Хэйлунцзян провинциясида 5,3 % , Цзилинь 2 % сибо миллати яшаб келган[9]. Сибо миллати ҳозирда Хитой Халқ Республикасида истиқомат қилиб келади. 16- асрнинг сўнгти чораги – 17- аср бошига келганда Сибо миллати Манжур халқига сиёсий жиҳатдан қарам бўлиб қолади ва 8 байроқ мўғул ва 8 байроқ манжур вилоятига қўшиб олинади. 100 йил ичиди сибо миллати аҳолиси узоқ йиллар мобайннида истиқомат қилиб келган ҳудуддан бошқа ўлкаларга қўчириб юборилади. Жами 4 бор катта қўчиш амалга оширилади. Биринчи қўчиш Канси хукмдорлигининг 31- йилида (1692 йил) амалга

оширилади. Натижада Карсин ҳудудидаги Сибо ҳалқи манжур байроғи вилоятига күчирилди.

ХХР ташкил топгандан сўнг бошқа ҳалқлар сингари сибо миллати ҳам миллатлар бирлиги ва тинчлигига йўлида бирлашди. Сибо миллатининг сиёсий ва этник тенглиги расмий жиҳатдан мустаҳкамланди. 1954 йил Синциангнинг аввалги Нингси уезди Сибо Чабучар автоном районига ўзгартирилди

VII аср Тан сулоласи даврида хитойликлар ғарб томонда яқин жойлашган уйғурлар ва ойхорлар билан жанг қилишган. Уйғурлар асл кеб чиқиши туркий қавмлардан бўлиб, қадимда Гао-Чан деб номланган ҳозирги Қошғарда яшашган. VIII асрда хитойликлар Гао-Чан давлатини қулатиб жангда ғолиб бўлишди. Шундай бўлса ҳам бу ҳалқ батамом йўқолмайди. Тан императорлари уларни ушбу ҳудудларда бироз тинч қўйишган. Захаровнинг маълумотларига қараганда уйғурларнинг маълум қисми Хитойнинг Гансу ва Шанси ҳудудларига кўчирилган.

Гарбий дунгандар Амир Темур давридан мусулмончиликда бўлишганлиги ҳақида ҳам маълумот учрайди. Хитойликлар бутун дунган миллатини хой-хой деб номлашган.

Хитойча билиб, дунган миллатида бўлган барча эркак ва аёллари жами сони 30 000 000 кишини ташкил этган (Туркистондаги мусулмонлардан ташқари). Уларнинг кўп қисми Гансу, Шанси, Сичуан, Юннан ва Тянъ-Шанъ эткаларида яшаб келишган. Дунган миллати эркак ва аёллари мусулмон бўлсалар ҳам хитойча кийим кийишиб, шу тилда гапиришган. Ислом ақидаларига қаттиқ итоат қилишган. Дунганлар суннийлар бўлиб Имом Шофий мазҳабида, қолган қисми эса Имом Ҳанафий масҳабида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Яна хонликлар архив ҳужжатларига, уларда қозоқлар билан маълумотларга тўхтасак, Хива хонлиги ҳужжатларида кўпроқ қозоқлар Амударёning қуий ҳавзаси, Оролбўйида яшаган кўчманчи этнос сифатида тилга олинади. Ҳужжатларда кўпинча улар қозоқ, бойқозоқ, қозоқбой каби этномимлар ёки исм ва лақаблар билан, шунингдек, ули – ўғли каби иборалар билан қайд этилади. Улардан маълум бўлишича, қозоқлар ўз масжидлари ёки уруғ бошлиқлари – бийлари воситасида хонликка солиқ тўлаб туришган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Государственная ордена трудового красного знамени публичная библиотека имени Салтыкова-Щедрина. Отдел рукописки. П.И. Иванов Архив хивских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Новый источники для истории Средней Азии. Ленинград.1949
- 2.Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т.,1911.
- 3.Гейнс А.К //Мусулманский население или дунгани Западный Китай// Туркестанский сборник, 1869
- 4.ЎзР МА И 125-фонд, 2-рўйҳат, 98-йифма жилд
- 5.ЎзР МА И 125-фонд, 2-рўйҳат, 27-йифма жилд
- 6.ЎзР МА И 125-фонд, 2-рўйҳат, 27-йифма жилд
- 7.ЎзР МА И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йифма жилд.; Чалақозоқ (шалақозоқ) //Туркестанский ведомости 1882
- 8.ЎзР МА И 591-фонд, 1-рўйҳат, 1-йифма жилд, 1-варак; Туркестанский альбом Т.8 Ч.1: этнографическая.Туземное население в русских владениях Средний Азии //Сос. А.Л. Кун. –Т.: Военно - Типогр. Отд. Туркест. Воен. Округа 1871 -1872, 391